# Янги йил олдидан

Шу кунларда ҳар бир инсон янги йилни қаршилаб олишга тайёргарлик кўраяпти десак, адашмаган бўламиз, менимча. Бизнинг институтда ҳам қиш мавсумига озиқ-овқат захирасини яратиш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлар билан келишув асосида арзонлаштирилган нархларда «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси» ташкил қилинди! Бугун эса ярмаркамизнинг 1-куни бўлиб ўтди. Арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бир қаторда бепул гуручлар ҳам институтимизда фаолият юритаётган ходимлар учун талон асосида тарқатилди.

 

**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**